

Қарши Давлат университети
Амалий математика ва информатика кафедраси
“5A130202 – Амалий математика ва ахборот
технологиялари” мутахассислиги 2-курс магистранти
Тошмуродова Гулмира Тўлқиновнанинг

**«Ғовак изотроп муҳитда SH тўлқин
тарқалиш жараёнини математик
моделлаштириш»
мавзусидаги магистрлик диссертацияси**

Қарши-2016

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I. ҒОВАК ИЗОТРОП МУҲИТДА ТЎЛҚИН ЖАРАЁНИНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ

- 1.1. Эластик-ғовак муҳит ҳаракатининг чизиклаштирилган тенгламалари
- 1.2. Эластик-ғовак муҳитда SH тўлқин тенгламаси

II. ҒОВАК ИЗОТРОП МУҲИТДА SH ТЎЛҚИН УЧУН МАСАЛАНИНГ ҚЎЙИЛИШИ ВА ЕЧИЛИШИ

- 2.1. Масаланинг қўйилиши ва сингуляр ечимлар
- 2.2. Масалани гиперболик системага келтириш
- 2.3. Гиперболик система ечимининг сингулярлиги

III. SH ТЎЛҚИН ТЕНГЛАМАЛАРИ УЧУН СОНЛИ УСУЛ

- 3.1. Масаланинг сонли ечиш усули
- 3.2. Ҳисоблаш схемасининг тавсифи

ХУЛОСА

АДАБИЁТЛАР

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўтказувчан ғовак, ёриқ муҳитлардаги суюқликларни фильтрация жараёнини текшириш гидромеханикада назарий ва амалий аҳамиятга эга ҳамда бундай тадқиқотлар кўчиш жараёнларини тавсифловчи дифференциал тенгламаларнинг математик моделини қуришда бирмунча қийинчиликларга дуч келинади.

Бундай масалалар ер қимирлашларини башорат (прогноз) қилишда ва нефть пластларидан нефть олишни жадаллаштириш технологияларини ишлаб чиқишда долзарб масалалардан биридир.

Математик физикада одатда қуйидаги кўринишдаги масалалар қаралади. Дифференциал тенглама ва унинг ечими қаноатлантириши керак бўлган шартлар берилади. Одатда бу қўшимча шартлар дифференциал тенглама ечимлар мажмуасидан биттасини ажратади. Математик физикадаги коррект бошланғич чегаравий масалаларни тўғри масала деб аташ қабул қилинган.

Ҳар қандай тўғри масалани қўйиш учун, бир қанча маълумотларни (функцияларни) бериш лозим, уларнинг бир қисми дифференциал тенгламани (чизиқли тенглама коэффициентлари), қолган қисми эса бошланғич ёки чегаравий шартларни аниқлайди. Тўғри масалани ечиш натижасида берилган функцияларга янги функция қаралаётган масала ечими мос келтирилади. Шундай қилиб, тўғри масаланинг маълумотларида (берилган функцияларида) аниқланган оператор ҳосил бўлади.

Ғовак муҳитлар учун қўйилган динамик масалаларда сейсмик тўлқинларнинг тарқалиши тезлиги ва зичлигидан ташқари, яна муҳитнинг ғоваклиги, ўтказувчанлиги ҳамда бошқа кинетик

параметрлари ҳам аниқланадики, улар эластик муҳит учун қўйилган динамик масалалардан ўлароқ энергиянинг ютилишини аниқлайди.

Шунинг учун ҳам бу масалалар математик моделлаштиришнинг муҳим долзарб муаммолари ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Гиперболик тенгламалар ва системалар учун динамик масалалар биринчи марта Лаврентьев, В.Г. Романов, А.С. Благовещенский ва А.С. Алексеевлар томонидан қўйилган ва ўрганилган. Масалани ўрганишнинг турли усул ва йўллари М.М. Лаврентьев, В.Г. Романов, А.С. Благовещенский, А.И. Прилепко, Ю.Е. Аниконов, А.Л. Бухгейм, Х.Х. Имомназаров, А. Хайдаров, Д.К. Дурдиев ва бошқаларнинг ишларида таклиф этилган ва ривожлантирилган.

Илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Магистрлик диссертация ишининг «Ғовак изотроп муҳитда SH тўлқин тарқалиш жараёнини математик моделлаштириш» мавзуси Қарши давлат университетининг Илмий кенгашида тасдиқланган, “Амалий математика ва информатика” кафедрасининг тематик режасига, ҳамда тадқиқотчи изланувчи сифатида иштирок этаётган А-13-18-“ Икки фазали муҳит нозизиқли тўлқин динамикаси учун тўғри ва тесқари масалаларни назарий ва сонли тадқиқ қилиш” грантининг ишлари режалари билан боғлиқ.

Тадқиқотнинг мақсади. Ғовак изотроп муҳитда SH тўлқин тарқалиш жараёнини математик моделлаштириш, бунда ҳосил бўлувчи масалаларнинг ечимларини мавжудлик ва ягоналикка текшириш, бу масалаларнинг сонли ечиш методларини топиш ҳамда мос дастурларини тузиш.

Тадқиқот объекти ва предмети: Тадқиқот объекти – мураккаб тузилишдаги ғовак муҳитдаги тўлқинлар. Тадқиқот предмети – ғовак

муҳитда SH тўлқин тарқалиш жараёнларини математик моделлаштириш ҳамда бунда ҳосил бўлувчи масалалар.

Мавзу бўйича режалаштирилаётган ишлар. Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги ишлар режалаштирилган:

- эластик-ғовак муҳитда SH тўлқин тарқалиш жараёнининг математик моделини қуриш;
- эластик-ғовак муҳитда бир ўлчовли SH тўлқин тенгламасининг сингуляр ечимини қуриш;
- эластик-ғовак муҳитда SH тўлқин тарқалиш жараёнининг сонли ечиш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: Математик моделлаштириш, гиперболик системалар учун характеристикалар усули, интеграл тенгламалар ва чекли айирмалар усуллари ҳамда дастурлаш технологияси

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Қуйидаги натижалар янги:

- эластик-ғовак муҳитда SH тўлқин тарқалишининг математик модели;
- эластик-ғовак муҳитда SH тўлқин тенгламасининг сингуляр ечими;
- эластик-ғовак муҳитда SH тўлқин тарқалиш жараёнининг сонли ечиш усули ва унга мос дастур.

Олинган илмий натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти: олинган натижалар турли табиий ва технолгик жараёнларни назарий текширишда қўлланилиши мумкин.

Диссертация ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқ этилган математик модел ва яратилган алгоритм сейсмик соҳада илмий

тадқиқот олиб боровчи илмий-текшириш институтларида, нефт ва газ конларини аниқлаш ва ундан фойдаланиш учун тавсия этилиши мумкин.

Диссертация тадқиқотининг натижаларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар. Диссертация иши назарий характерга эга. Диссертацияда қўлланилган усуллар ва унга ҳосил қилган натижалар сейсмологияда, нефть ва газ захираларини аниқлаш ва ундан фойдаланишда қўлланилиши мумкин. Қўлланилган сонли усуллар амалий жиҳатдан муҳим бўлган бошқа илмий-техник масалаларни ечишда фойдаланилиши мумкин.

Диссертация иши апробацияси. Диссертация иши натижалари “Сибирь электрон математика хабарномаси (SEMI)” журналида (Новосибирск, 2016) ва “Анализнинг долзарб масалалари” Республика илмий конференцияси (Қарши, 2016)да нашр этилган.

Диссертация иши натижалари. Диссертация мавзуси бўйича иккита илмий иш, шундан биттаси илмий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация 62 саҳифадан иборат бўлиб, кириш, учта боб, хулоса, 26 расм ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

Киришда мавзунинг долзарблиги, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ва диссертация ишининг ҳажми қаралган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфида эластик-ғовак муҳит ҳаракатининг чизиқлаштирилган тенгламалари, иккинчи параграфда эса эластик-ғовак муҳитда SH тўлқин тенгламаси муҳокама қилинади.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида SH тўлқин учун масаланинг қўйилиши ва сингуляр ечимлари, иккинчи ва учинчи

параграфларда эса масалани гиперболик системага келтириб, гиперболик системанинг сингуляр ечими қурилган ва таҳлил қилинган.

Охирги бобнинг биринчи ва иккинчи параграфларида эластик-ғовак муҳитда SH тўлқин тенгламалари учун сонли ечиш усуллари характеристикалар методига таянган ҳолда интеграл тенгламалар системасини ечиш усули ишлаб чиқилган.

Хулоса қисмида диссертация иши бўйича хулосалар ёзилган.

Адабиётлар рўйхатида фойдаланган манбалар рўйхати келтирилган. Диссертация ишининг асосий натижалари [28,29] ишларда эълон қилинган.

I. ҒОВАК ИЗОТРОП МУҲИТДА ТЎЛҚИН ЖАРАЁНИНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ

1.1. Эластик-ғовак муҳит ҳаракатининг чизиқлаштирилган тенгламалари

Фараз қилайлик, эластик муҳит(*solid-s*) ғовакларга эга, ғоваклар эса суюқлик(*liquid-l*) билан тўлдирилган бўлсин. Бу муҳитда товуш тўлқинларининг тарқалишини ўрганамиз.

Тезликлар

$$\vec{u} = (u_x, u_y, u_z) \text{ (эластик-ғовак жисмда),}$$

$$\vec{v} = (v_x, v_y, v_z) \text{ (суюқликда)}$$

ва термодинамик катталиқлар фазонинг ҳар бир нуқтасида бирор термодинамик турғун ғолатга нисбатан кичик тебрансин. Бунда тўлқин ҳаракати ҳосил бўлади. [13] ишда ночизиқли континуал фильтрация математик модели тенгламалари тузилган. Бу муҳитдаги товуш тўлқинларини ўрганиш учун диссипатив жараёнларни ҳисобга олмасдан, ғовак-эластик муҳит ҳаракати тенгламаларини текшириш лозим [13,14]. Ҳаракат тенгламаларини келтирайлик.

Массанинг сақланиш қонуни:

$$\frac{\partial \rho}{\partial t} + \operatorname{div} \vec{j} = 0,$$

$$\rho = \rho_s + \rho_l, \text{ (муҳит зичлиги)}$$

Энтропиянинг сақланиш қонуни:

$$\frac{\partial S}{\partial t} + \operatorname{div} \left(\frac{S}{\rho} \vec{j} \right) = 0,$$

$$\vec{j} = \rho_s \vec{u} + \rho_l \vec{v}, \text{ (импульс зичлиги)}$$

Импульснинг сақланиш қонуни

$$\frac{\partial j_i}{\partial t} + \partial_k \Pi_{ik} = 0, \quad (1.1.1)$$

$$\Pi_{ik} = \rho_s u_i u_k + \rho_l v_i v_k - \sigma_{ik} \text{ (импульс оқими)}$$

$$\sigma_{ij} = -p \delta_{ij} - h_{ik} g_{kj}, \text{ (кучланишлар тензори)}$$

$$\frac{\partial g_{ik}}{\partial t} + g_{kj} \partial_i u_j + g_{ij} \partial_k u_j + u_j \partial_j g_{ik} = 0,$$

$$\rho_s = \rho_{s,0} \sqrt{\det(g_{ik})},$$

суюқлик ҳаракати тенгламаси

$$\frac{\partial \vec{v}}{\partial t} + (\vec{v}, \nabla) \vec{v} = -\frac{\nabla p}{\rho} + \frac{\rho_s}{2\rho} \nabla (\vec{u} - \vec{v})^2 - \frac{h_{ik}}{2\rho} \nabla g_{ik},$$

муҳитнинг ҳолат тенгламаси

$$e_0 = e_0(\rho, S, \vec{j}_0, g_{ik}).$$

Охирги бу функционал боғланиш маълум бир эркинликни ўз ичига олади.

Энергиянинг сақланиш қонуни

$$\frac{\partial e}{\partial t} + \partial_k \left(\left(\tilde{\mu} + \frac{v^2}{2} \right) j_k + \frac{TS}{\rho} j_k + (\vec{u}, \vec{j}_0) u_k + u_i h_{km} g_{mi} \right) = 0,$$

ва эластик муҳит учун массанинг сақланиш қонуни

$$\frac{\partial \rho_s}{\partial t} + \text{div } \rho_s \vec{u} = 0,$$

тўла тенгламалар системасига кирмайди, чунки бу тенгламалар тўла тенгламалар системасининг натижасидир.

(1.1.1) системада e -, T -, S -, $\tilde{\mu}$ - бир ҳажм бирлигидаги мос равишда ички энергия, температура, энтропия, кимёвий потенциал, ρ - зичлик, σ_{ik} – кучланишлар тензори, g_{ik} – деформация метрик тензори, p –

суюқлик босим, $\vec{j}_0 = \rho_s(u - v)$ – нисбий импульс зичлиги, ρ_s ва ρ_l – эластик ва суюқ муҳитдаги парциал зичликлар.

Тўла система (1.1.1)ни ушбу

$$u = 0,$$

$$v = 0,$$

$$T = T_0,$$

$$h_{ik} = 0,$$

$$p = p_0.$$

$$\rho = \rho_0$$

термодинамик мувозанат ҳолати яқинида чизиқлилаштирамиз. Бунда қуйидаги система ҳосил бўлади:

$$\frac{\partial \rho}{\partial t} + \rho_{0,s} \operatorname{div} \vec{u} + \rho_{0,l} \operatorname{div} \vec{v} = 0$$

$$\frac{\partial s}{\partial t} = 0,$$

$$\frac{\partial u_i}{\partial t} + \frac{1}{\rho_0} \partial_i p + \frac{1}{\rho_{0,s}} \partial_k h_{ik} = 0, \quad (1.1.2)$$

$$\frac{\partial g_{ik}}{\partial t} + \partial_i u_k + \partial_k u_i = 0,$$

$$\frac{\partial v_i}{\partial t} + \frac{1}{\rho_0} \partial_i p = 0,$$

бу ерда $\rho_{0,s}$ ва $\rho_{0,l}$ – эластик ғовак жисм ва суюқликнинг термодинамик мувозанат ҳолатидаги парциал зичликлар.

s билан бир масса бирлигига мос келган энтропияни белгилайлик:

$$s = \frac{S}{\rho}$$

Термодинамик мувозанат ҳолатдан кичик четланишларда муҳитнинг ҳолат тенгламасини қуйидаги кўринишга келтириш мумкин [14]:

$$p = -\frac{K}{2} g_{ll} + \left(\rho_0^2 \alpha_3 + \frac{K}{\rho_0} \right) \rho + \rho_0^2 \alpha_1 s + const ,$$

$$h_{ik} = \mu g_{ik} + \frac{\lambda}{2} g_{ll} \delta_{ik} - K \frac{\rho}{\rho_0} \delta_{ik} + const , \quad (1.1.3)$$

$$K = \lambda + \frac{2}{3} \mu ,$$

λ, μ, α_3 – ҳолат тенгламасининг коэффицентлари [17],

$$\delta_{ik} = \begin{cases} 1, & i = k, \\ 0, & i \neq k. \end{cases}$$

– Кронекер символи.

(1.1.2) системадаги биринчи тенгламадан қуйидаги скаляр тенглик келиб чиқади

$$\frac{\partial g_{ii}}{\partial t} + 2 \operatorname{div} \vec{u} = 0.$$

(1.1.2) системадан термодинамик катталикларни йўқотамиз. Бунинг учун учинчи ва охирги тенгламаларни вақт бўйича дифференциаллаймиз.

$$\frac{\partial^2 u_i}{\partial t^2} + \frac{1}{\rho_0} \frac{\partial^2 p}{\partial t \partial x_i} + \frac{1}{\rho_{0,s}} \frac{\partial^2 h_{ik}}{\partial t \partial x_k} = 0,$$

$$\frac{\partial^2 v_i}{\partial t^2} + \frac{1}{\rho_0} \frac{\partial^2 p}{\partial t \partial x_i} = 0.$$

Бундан ташқари (1.1.3) ифодани ҳам дифференциаллаймиз ва олинган ифодани охирги икки тенгламага қўямиз. Натижада тезликлар ҳосилаларидан ташқари ушбу g_{ik}, g_{ll}, s, ρ , катталиклар пайдо бўлади.

Бу ҳосилаларни (1.1.2) система ёрдамида йўқотамиз. Оддий шакл алмаштиришлардан сўнг, \vec{u}, \vec{v} тезликларга нисбатан қуйидаги ёпиқ тенгламалар ситемасига келамиз:

$$\begin{aligned} & \ddot{\vec{u}} + \left(\frac{2K}{\rho_0} - \rho_0 \left(\rho_0 \alpha_3 + \frac{K}{\rho_0^2} \right) - \frac{\lambda + \mu}{\rho_{0,s}} \right) \nabla \operatorname{div} \vec{u} - \\ & - \frac{\mu}{\rho_{0,s}} \Delta \vec{u} + \frac{\rho_{0,l}}{\rho_0} \left(\frac{K}{\rho_{0,s}} - \left(\rho_0^2 \alpha_3 + \frac{K}{\rho_0} \right) \right) \nabla \operatorname{div} \vec{v} = 0 \\ & \ddot{\vec{v}} + \left(\frac{K}{\rho_0} - \frac{\rho_{0,s}}{\rho_0} \left(\rho_0^2 \alpha_3 + \frac{K}{\rho_0} \right) \right) \nabla \operatorname{div} \vec{u} - \frac{\rho_{0,l}}{\rho_0} \left(\frac{K}{\rho_0} + \rho_0^2 \alpha_3 \right) \nabla \operatorname{div} \vec{v} = 0. \end{aligned} \quad (1.1.4)$$

1.2. Эластик-ғовак муҳитда SH тўлқин тенгламаси

Фараз қилайлик, компоненталар орасида ишқаланиш мавжуд бўлсин. Биржинсли бўлмаган ғовак-эластик изотроп муҳитда (1.1.2) ҳаракат тенгламалар системасининг коэффицентлари фақат z га боғлиқ бўлсин деб фараз қилайлик. У система қуйидаги кўринишга келади:

$$\frac{\partial \rho}{\partial t} + \rho_{0,s} \operatorname{div} \vec{u} + \rho_{0,l} \operatorname{div} \vec{v} = 0$$

$$\frac{\partial s}{\partial t} = 0,$$

$$\frac{\partial u_i}{\partial t} + \frac{1}{\rho_0} \partial_i p + \frac{1}{\rho_{0,s}} \partial_k \sigma_{ik} + \chi(z) \frac{\rho_{0,l}^2(z)}{\rho_{0,s}(z)} (u_i - v_i) = 0, \quad (1.2.1)$$

$$\frac{\partial g_{ik}}{\partial t} + \partial_i u_k + \partial_k u_i = 0,$$

$$\frac{\partial v_i}{\partial t} + \frac{1}{\rho_0} \partial_i p - \chi(z) \rho_{0,l}(z) (u_i - v_i) = 0,$$

$\chi(z)$ -ишқаланиш коэффициентлари.

Айталик, тезлик векторлари қуйидаги кўринишда ифодалансин

$$\begin{aligned} \vec{u} &= (0, u_y(x, z, t), 0), \\ \vec{v} &= (0, v_y(x, z, t), 0). \end{aligned} \quad (1.2.2)$$

Бундай ҳолда, (1.1.2) ва (1.1.3) тенгламаларга биноан

$$\begin{aligned} \frac{\partial \sigma_{xx}}{\partial t} &= 0, \\ \frac{\partial \sigma_{yy}}{\partial t} &= 0, \\ \frac{\partial \sigma_{zz}}{\partial t} &= 0, \\ \frac{\partial p}{\partial t} &= 0, \\ \frac{\partial \sigma_{xz}}{\partial t} &= 0, \end{aligned} \quad (1.2.3)$$

булардан тенгламалардан қуйидагилар топилади

$$\begin{aligned} \dot{\sigma}_{xy} &= \mu(z) \frac{\partial u_y}{\partial x}, \\ \dot{\sigma}_{yz} &= \mu(z) \frac{\partial u_y}{\partial z}, \\ \frac{\partial \dot{\sigma}_{xy}}{\partial x} + \frac{\partial \dot{\sigma}_{yz}}{\partial z} - \chi(z) \rho_{0,l}^2(z) \left(\frac{\partial u_y}{\partial t} - \frac{\partial v_y}{\partial t} \right) &= \rho_{0,s}(z) \frac{\partial^2 u_y}{\partial t^2}, \\ \frac{\partial v_y}{\partial t} - \chi(z) \rho_{0,l}(z) (u_y - v_y) &= 0, \end{aligned} \quad (1.2.4)$$

(1.2.4) системадаги биринчи ва иккинчи тенгламаларни учинчисига қўйиб қуйидаги тенгликни оламиз

$$\mu(z) \frac{\partial^2 u_y}{\partial x^2} + \frac{\partial}{\partial z} \left(\mu(z) \frac{\partial u_y}{\partial z} \right) - \chi(z) \rho_{0,t}^2(z) \left(\frac{\partial u_y}{\partial t} - \frac{\partial v_y}{\partial t} \right) = \rho_{0,s}(z) \frac{\partial^2 u_y}{\partial t^2} \quad (1.2.5)$$

бундан кўринадики, ғовак-эластик муҳитда (1.2.1) фараз бажарилганда $y = const$ текислик бўйлаб тўлқин тарқалади

$$c_t = \sqrt{\frac{\mu(z)}{\rho_{0,s}(z)}}$$

Бунга ўхшаш тўлқин соф эластик муҳитда ҳам тарқалади ва SH тўлқин дейилади.

II. ҒОВАК ИЗОТРОП МУҲИТДА SH ТҮЛҚИН УЧУН МАСАЛАНИНГ ҚЎЙИЛИШИ ВА ЕЧИЛИШИ

2.1. Масаланинг қўйилиши ва сингуляр ечимлар

Тезлик векторлари фақат t ва z ларга боғлиқ бўлган ҳолни қарайлик. Белгилаймиз: $U = u_y(z, t)$, $V = v_y(z, t)$. (1.2.5) тенгламадан эга бўламиз:

$$\rho_s(z)U_{tt} = (\mu(z)U_z)_z - \chi(z)\rho_l^2(z)(U_t - V_t), \quad (2.1.1)$$

(1.2.4) тенгламани t бўйича дифференциаллаб қуйидагини оламиз:

$$\rho_l(z)V_{tt} = \chi(z)\rho_l^2(z)(U_t - V_t), \quad (2.1.2)$$

(2.1.1), (2.1.2) тенгламалар қаралаётган ютувчи муҳитда SH тўлқин тарқалишини тавсифлайди [13, 14, 17].

Эслатайликки, эластик жисмнинг тезлик вектори U , ғовак жисмнинг тезлик вектори V , ҳамда $\rho_s(z)$ ва $\rho_l(z)$ лар эластик ва ғовак (суюқлик билан тўлдирилган) жисмларнинг парциал зичликлари, $\chi(z)$ - ишқаланиш коэффициенти. Бу ерда ва бундан кейин қулайлик учун индексдаги нолни ёзмаймиз.

Муҳит $z > 0$ ярим фазони эгалласин. Унда (2.1.1), (2.1.2) системалар $z > 0$ қаралади. Фараз қилайлик, ғовак-эластик муҳит $t < 0$ пайтларда тинч ҳолатда бўлсин:

$$\begin{aligned} U|_{t<0} &= 0, \\ U_t|_{t<0} &= 0. \end{aligned} \quad (2.1.3)$$

$$\begin{aligned} V|_{t<0} &= 0, \\ V_t|_{t<0} &= 0. \end{aligned} \quad (2.1.4)$$

$z = 0$ чегарада импульс куч қўйилган бўлсин [23]:

$$\mu U_z \Big|_{z=0} = F(t), \quad (2.1.5)$$

бу ерда

$$F(t) = \delta(t) + f(0)\varepsilon(t) + \dots, \quad (2.1.6)$$

$\delta(t)$ – Диракнинг дельта функцияси, $\varepsilon(t)$ – Хевисайд функцияси.

Берилган бу маълумотларга, узлуксиз дифференциалланувчи $\rho_s(z)$ ва $\mu(z)$, узлуксиз $\rho_l(z), \chi(z)$ функцияларга кўра $U(t, z), V(t, z)$ тўлқин майдонларини аниқлаш керак

Қўйилган (2.1.1)-(2.1.5) масалани ечайлик. Ечимни қуйидаги кўринишда излаймиз ([9]):

$$U(t, z) = \alpha^s(z)\varepsilon(t - \tau(z)) + \beta^s(z)(t - \tau(z))_+ + \frac{1}{2}\gamma^s(z)(t - \tau(z))_+^2 + \dots \quad (2.1.7)$$

$$V(t, z) = \alpha^l(z)\varepsilon(t - \tau(z)) + \beta^l(z)(t - \tau(z))_+ + \frac{1}{2}\gamma^l(z)(t - \tau(z))_+^2 + \dots, \quad (2.1.8)$$

бу ерда $\alpha^s(z), \beta^s(z), \dots, \alpha^l(z), \beta^l(z), \dots$ ва $\tau(z)$ коэффициентлар- ҳозирча номаълум функциялар. $\tau(0) = 0$ деб ҳисоблаймиз.

(2.1.7) ва (2.1.8) формулаларда уч нукта $t = \tau(z)$ да олдинги ҳадларга караганда силлиқроқ ҳадларни белгилайди ҳамда

$$x_+^n = \begin{cases} x^n, & x > 0, \\ 0, & x \leq 0. \end{cases}$$

Ушбу

$$\varepsilon'(t) = \delta(t), \quad (t_+)' = \varepsilon(t), \quad (t_+^2)' = 2t_+,$$

формулардан фойдаланиб, (2.1.7) ва (2.1.8) лардан дифференциаллаш йўли билан(кулайлик учун t ва z аргументларни ташлаб кетамиз) куйидаги системани оламиз:

$$U_t = \alpha^s \delta(t - \tau) + \beta^s \varepsilon(t - \tau) + \gamma^s (t - \tau)_+ + \dots$$

$$U_{tt} = \alpha^s \delta'(t - \tau) + \beta^s \delta(t - \tau) + \gamma^s \varepsilon(t - \tau) + \dots$$

$$U_z = (\alpha^s)' \varepsilon(t - \tau) + \alpha^s \delta(t - \tau) (-\tau') + (\beta^s)' (t - \tau)_+ + \beta^s \varepsilon(t - \tau) (-\tau)' + \gamma^s (t - \tau)_+ \tau' + \dots$$

$$\begin{aligned} (\mu U_z)_z &= (\mu(\alpha^s)')' \varepsilon(t - \tau) - \tau' \mu(\alpha^s)' \delta(t - \tau) - (\tau' \mu \alpha^s)' \delta(t - \tau) + \\ &+ (\tau')^2 \mu \alpha^s \delta'(t - \tau) + (\mu(\beta^s)')' (t - \tau)_+ - \tau' \mu(\beta^s)' \varepsilon(t - \tau) - \\ &- (\tau' \mu \beta^s)' \varepsilon(t - \tau) + (\tau')^2 \mu \beta^s \delta(t - \tau) + (\tau')^2 \mu \gamma^s \varepsilon(t - \tau) + \dots \end{aligned}$$

$$V_t = \alpha^l \delta(t - \tau) + \beta^l \varepsilon(t - \tau) + \gamma^l (t - \tau)_+ + \dots$$

$$V_{tt} = \alpha^l \delta'(t - \tau) + \beta^l \delta(t - \tau) + \gamma^l \varepsilon(t - \tau) + \dots$$

Бу ёйилмаларни (2.1.1), (2.1.2) тенгламаларга кўямиз, $\delta'(t - \tau)$, $\delta(t - \tau)$ ва $\varepsilon(t - \tau)$ лар олдидаги коэффициентларни тенглаштириб, куйидагиларга келамиз

$$\delta'(t - \tau): \begin{cases} \rho_s \alpha^s = (\tau')^2 \mu \alpha^s & (2.1.9) \\ \rho_l \alpha^l = 0 & (2.1.10) \end{cases}$$

$$\delta(t - \tau): \begin{cases} \rho_s \beta^s = (\tau')^2 \mu \beta^s - (\tau' \mu \alpha^s)' - \tau' \mu(\alpha^s)' - \chi \rho_l^2 (\alpha^s - \alpha^l) & (2.1.11) \\ \rho_l \beta^l = \chi \rho_l^2 (\alpha^s - \alpha^l) & (2.1.12) \end{cases}$$

$$\varepsilon(t-\tau): \begin{cases} \rho_s \gamma^s = (\mu \alpha^s)' - \mu \beta^s \tau' - (\tau' \mu \beta^s)' - \chi \rho_i^2 (\beta^s - \beta^l) + (\tau')^2 \mu \gamma^s & (2.1.13) \\ \rho_l \gamma^l = \chi \rho_i^2 (\beta^s - \beta^l) & (2.1.14) \end{cases}$$

(2.1.5) чегаравий шарт, (2.1.6)ни ҳисобга олсак, куйидаги кўринишда ёзилади

$$\begin{aligned} & -\tau'(0)\mu(0)\alpha^s(0)\delta(t) + \left(\mu(0)(\alpha^s)' \Big|_{z=0} - \tau'(0)\mu(0)\beta^s(0) \right) \varepsilon(t) + \dots = \\ & = \delta(t) + f(0)\varepsilon(t) + \dots \end{aligned}$$

бундан

$$-\tau'(0)\mu(0)\alpha^s(0) = 1, \quad \mu(0)(\alpha^s)' \Big|_{z=0} - \tau'(0)\mu(0)\beta^s(0) = f(0)$$

ёки

$$\alpha^s(0) = -\frac{1}{\tau'(0)\mu(0)} = -\frac{1}{\sqrt{\frac{\rho_s(0)}{\mu(0)}} \mu(0)} = -\frac{1}{\sqrt{\rho_s(0)\mu(0)}}, \quad (2.1.15)$$

$$\beta^s(0) = \frac{\mu(0)(\alpha^s)' \Big|_{z=0} - f(0)}{\tau'(0)\mu(0)}. \quad (2.1.16)$$

(2.1.9) тенгламадан $\tau(z)$ учун Эйконал тенгламасини оламиз ва уни ечамиз:

$$(\tau')^2 = \frac{\rho_s}{\mu}, \quad \tau' = \sqrt{\frac{\rho_s}{\mu}}, \quad \tau'(z) = \frac{1}{c_t(z)}, \quad \tau(z) = \int_0^z \frac{d\xi}{c_t(\xi)}, \quad (2.1.17)$$

бу ерда $c_t(z) = \sqrt{\frac{\mu(z)}{\rho_s(z)}}$ ғовак-эластик муҳитда SH тўлқин тарқалиши

тезлиги.

(2.1.10) тенгламада $\alpha^l(z) = 0$.

Энди (2.1.11) тенгламадан

$$(\mu \alpha^s \tau')' + \mu (\alpha^s)' \tau' + \chi \rho_i^2 \alpha^s = 0.$$

(2.1.17) тенгламани ҳисобга олиб, бу тенгламани қуйидаги кўринишга олиб келамиз

$$(\sigma \alpha^s)' + \sigma (\alpha^s)' + \chi \rho_l^2 \alpha^s = 0, \quad (2.1.18)$$

бу ерда

$$\sigma = \sigma(z) = \sqrt{\mu(z) \rho_s(z)}. \quad (2.1.19)$$

(2.1.18) тенглама $\sqrt{\sigma} \alpha^s$ ноъмалум функцияга нисбатан биринчи тартибли оддий чизиқли дифференциал тенглама бўлади:

$$2\sqrt{\sigma} (\sqrt{\sigma} \alpha^s)' + \frac{1}{\sqrt{\sigma}} \chi \rho_l^2 \sqrt{\sigma} \alpha^s = 0,$$

бу тенгламанинг ечими квадратураларда осонгина топилади

$$\sqrt{\sigma(z)} \alpha^s(z) = c_1 \exp\left(-\int_0^z \frac{\chi(\xi) \rho_l^2(\xi)}{2\sigma(\xi)} d\xi\right) \quad (c_1 - \text{const}).$$

(2.1.15) бошланғич шартларни ҳисобга олиб, c_1 ўзгармасни топамиз:

$$c_1 = -\frac{1}{\sigma(0)}.$$

Шундай қилиб,

$$\alpha^s(z) = -\frac{1}{\sqrt{\sigma(z)\sigma(0)}} \exp\left(-\int_0^z \frac{\chi(\xi) \rho_l^2(\xi)}{2\sigma(\xi)} d\xi\right) \quad (2.1.20)$$

(2.1.12) тенгламадан $\alpha^s(z)$ маълум функцияга кўра $\beta^l(z)$ ни топамиз:

$$\beta^l(z) = \chi(z) \rho_l(z) \alpha^s(z). \quad (2.1.21)$$

(2.1.11) тенгламадан $\beta^s(z)$ аниқлаш учун қуйидаги тенгламага келамиз:

$$(\mu(\alpha^s)'_z)'_z - (\mu\beta^s\tau'_z)'_z - \mu(\beta^s)'_z\tau'_z - \chi(z)\rho_l^2(z)(\beta^s(z) - \beta^l(z)) = 0,$$

Уни қуйидаги кўринишга келтирамиз

$$2\sqrt{\sigma} (\sqrt{\sigma} \beta^s)' + \frac{\chi \rho_l^2}{\sqrt{\sigma}} \sqrt{\sigma} \beta^s = g,$$

бу ерда

$$g = g(z) = (\mu(\alpha^s)')' + \chi \rho_l^2 \beta^l$$

ва тенгламадаги барча коэффициентлар z нинг маълум функциялари.

Бу биринчи тартибли чизикли дифференциал тенгламани ечиб, топамиз:

$$\beta^s(z) = \frac{1}{\sqrt{\sigma(z)}} \exp\left(-\int_0^z \frac{\chi(\xi) \rho_l^2(\xi)}{2\sigma(\xi)} d\xi\right) \times \\ \times \left(c_2 + \int_0^z \frac{g(\eta)}{2\sqrt{\sigma(\eta)}} \exp\left(\int_0^\eta \frac{\chi(\xi) \rho_l^2(\xi)}{2\sigma(\xi)} d\xi\right) d\eta \right). \quad (2.1.22)$$

(2.1.16) бошланғич шартдан ҳамда (2.1.17), (2.1.19) формулалардан фойдаланиб, c_2 ўзгармасни аниқлаймиз:

$$c_2 = \frac{\sigma'(0) + \chi(0) \rho_l^2(0)}{2\rho_s(0)\mu(0)}. \quad (2.1.23)$$

(2.1.23) ни (2.1.22) га қўйиб, $\beta^s(z)$ топамиз:

Шундай қилиб, $\tau(z), \alpha^l(z), \alpha^s(z), \beta^l(z), \beta^s(z)$ номаълум функцияларни аниқладик.

$U(t, z)$ ва $V(t, z)$ тўлқинлар майдони ёйилмасидаги ҳадларни $\sigma(z)$ силлиқлигидан келиб чиқиб, қанча лозим бўлса шунчасини топиш мумкин.

Хусусий ҳолда, агар

$$\sigma(z) = 1,$$

яъни

$$\mu(z) \rho_s(z) = 1$$

бўлса, $\alpha^s(z), \beta^s(z)$ учун ифодалар анча соддалашади:

$$\alpha^s(z) = \exp\left(-\frac{1}{2} \int_0^z \chi(\xi) \rho_l^2(\xi) d\xi\right)$$

$$\beta^s(z) = \frac{1}{2} \exp\left(-\frac{1}{2} \int_0^z \chi(\xi) \rho_i^2(\xi) d\xi\right) \times$$

$$\times \left(\chi(0) \rho_i^2(0) + \int_0^z g(\eta) \exp\left(\frac{1}{2} \int_0^\eta \chi(\xi) \rho_i^2(\xi) d\xi\right) d\eta \right)$$

Агар ρ_s ва ρ_i парциал зичликлар мос равишда ρ_s^f ва 0 га интилса, ғоваклик йўқолади [13,14,17]. ρ_s^f -эластик муҳит зичлиги. (2.1.20), (2.1.22) тенгламаларда лимитга ўтиб, [9] келтирилган тўла эластик муҳит учун тўлқин майдонидаги ёйилмалар коэффициентларини оламиз.

Шундай қилиб, компоненталар орасидаги ишқаланишни ҳисобга олган ҳолда, эластик-ғовак муҳит учун бир ўлчамли SH тўлқин тенгласининг сингуляр ечимини топдик.

2.2. Масалани гиперболик системага келтириш

Энди z ўрнига x координатани қуйидаги формула орқали киритамиз:

$$x = \int_0^z \frac{d\xi}{c_i(\xi)} \quad (2.2.1)$$

x координатага ўтганимиздан сўнг, эластик-ғовак муҳитда тўлқин тарқалиш тезлиги бирга тенг бўлади. (2.2.1) формуладан

$$\frac{\partial}{\partial z} = \frac{1}{c_i} \frac{\partial}{\partial x}.$$

Шунинг учун (2.1.1) ва (2.1.2) тенгламалар қуйидаги кўринишни олади

$$U_{tt} - U_{xx} = \frac{\sigma'}{\sigma} U_x - \chi \frac{\rho_l^2}{\rho_s} (U_t - V_t) \quad (2.2.2)$$

$$V_{tt} = \chi \rho_l (U_t - V_t) \quad (2.2.3)$$

(2.1.5) чегаравий шарт алмаштиришдан кейин қуйидагича бўлади:

$$\sigma U_x|_{x=0} = F(t) \quad (2.2.4)$$

(2.2.2) ва (2.2.4) формулалардаги σ функция юқоридаги (2.1.19) формулада аниқланган .

Қуйидаги функцияларни киритайлик

$$\begin{cases} \tilde{\Psi}_1 = U_t - U_x, \\ \tilde{\Psi}_2 = U_t + U_x, \\ \Phi = V_t \end{cases} \quad (2.2.5)$$

У ҳолда

$$\frac{\partial \tilde{\Psi}_1}{\partial t} = U_{tt} - U_{xt} \quad , \quad \frac{\partial \tilde{\Psi}_1}{\partial x} = U_{tx} - U_{xx} \quad , \quad (2.2.6)$$

$$\frac{\partial \tilde{\Psi}_2}{\partial t} = U_{tt} + U_{xt} \quad , \quad \frac{\partial \tilde{\Psi}_2}{\partial x} = U_{tx} + U_{xx} \quad . \quad (2.2.7)$$

Фараз қилайлик, U функция силлиқ бўлсин. У ҳолда $U_{xt} = U_{tx}$ аралаш ҳосилалар тенглигидан фойдаланиб, (2.2.6) ва (2.2.7) тенгламаларни ҳадма-ҳад айириб, топамиз:

$$U_{tt} - U_{xx} = \frac{\partial \tilde{\Psi}_1}{\partial t} + \frac{\partial \tilde{\Psi}_1}{\partial x} \quad ,$$

$$U_{tt} - U_{xx} = \frac{\partial \tilde{\Psi}_2}{\partial t} - \frac{\partial \tilde{\Psi}_2}{\partial x} \quad . \quad (2.2.8)$$

(2.2.8)ни (2.2.2) тенгламага қўйиб, (2.2.5) белгилашдан фойдаланиб, ҳамда (2.2.3) тенгламада шакл алмаштириб қуйидаги системага келамиз:

$$\begin{cases} \frac{\partial \tilde{\Psi}_1}{\partial t} + \frac{\partial \tilde{\Psi}_1}{\partial x} = \frac{\sigma'}{2\sigma} (\tilde{\Psi}_2 - \tilde{\Psi}_1) - \frac{\chi \rho_l^2}{2 \rho_s} (\tilde{\Psi}_2 + \tilde{\Psi}_1) + \chi \frac{\rho_l^2}{\rho_s} \Phi, \\ \frac{\partial \tilde{\Psi}_2}{\partial t} - \frac{\partial \tilde{\Psi}_2}{\partial x} = \frac{\sigma'}{2\sigma} (\tilde{\Psi}_2 - \tilde{\Psi}_1) - \frac{\chi \rho_l^2}{2 \rho_s} (\tilde{\Psi}_2 + \tilde{\Psi}_1) + \chi \frac{\rho_l^2}{\rho_s} \Phi, \\ \frac{\partial \hat{O}}{\partial t} = \frac{\chi}{2} \rho_l (\tilde{\Psi}_1 + \tilde{\Psi}_2) - \chi \rho_l \hat{O}. \end{cases} \quad (2.2.9)$$

Ψ вектор-функцияни қуйидаги формула ёрдамида киритамиз:

$$\tilde{\Psi} = \begin{pmatrix} \tilde{\Psi}_1 \\ \tilde{\Psi}_2 \end{pmatrix}, \quad \Psi = \begin{pmatrix} \Psi_1 \\ \Psi_2 \end{pmatrix}, \quad \tilde{\Psi} = \frac{1}{\sqrt{\sigma}} \Psi$$

ёки

$$\tilde{\Psi}_1 = \frac{1}{\sqrt{\sigma}} \Psi_1, \quad \tilde{\Psi}_2 = \frac{1}{\sqrt{\sigma}} \Psi_2$$

(2.2.9) системани оддий шакл алмаштиришлардан сўнг Ψ, Φ ларга нисбатан тенгламалар системасини ҳосил қиламиз

$$\frac{\partial \Psi}{\partial t} + \Lambda \frac{\partial \Psi}{\partial x} = \begin{pmatrix} -\frac{\chi \rho_l^2}{2 \rho_s} & -\frac{\chi \rho_l^2}{2 \rho_s} + q \\ -\frac{\chi \rho_l^2}{2 \rho_s} - q & -\frac{\chi \rho_l^2}{2 \rho_s} \end{pmatrix} \Psi + \chi \sqrt{\sigma} \frac{\rho_l^2}{\rho_s} \begin{pmatrix} 1 \\ 1 \end{pmatrix} \Phi, \quad (2.2.10)$$

$$\frac{\partial \Phi}{\partial t} = \frac{\chi}{2\sqrt{\sigma}} \rho_l (\Psi_1 + \Psi_2) - \chi \rho_l \Phi, \quad (2.2.11)$$

бу ерда

$$\Lambda = \begin{pmatrix} 1 & 0 \\ 0 & -1 \end{pmatrix}, \quad q(x) = \frac{\sigma'_x}{2\sigma}.$$

Бошланғич шартлар қуйидаги кўринишни олади

$$\Psi|_{t<0} = 0, \quad (2.2.12)$$

$$\Phi|_{t<0} = 0. \quad (2.2.13)$$

(2.1.5), (2.1.6) чегаравий шартлар эса қуйидаги кўринишда ёзилади

$$\Psi|_{x=0} = s(t). \quad (2.2.14)$$

(2.2.14) формулаларда

$$s(t) = (s_1(t), s_2(t)) = \left(\sqrt{\sigma(0)} \dot{G}(t) - \frac{1}{\sqrt{\sigma(0)}} F(t), \sqrt{\sigma(0)} \dot{G}(t) + \frac{1}{\sqrt{\sigma(0)}} F(t) \right),$$

бу ерда $G(t)$ орқали U функциянинг $z=0$ даги қиймати белгиланган: $U(z, t)|_{z=0} = G(t)$; бу ерда ва бундан кейин ўзгарувчи устидаги нукта вақт бўйича ҳосилани билдиради.

Фараз қилайлик, тўлқинни ҳосил қилувчи манба шундай бўлсинки, (2.2.10), (2.2.11) системанинг мос ечими қуйидаги кўринишга эга бўлсин:

$$\Psi(t, x) = \begin{pmatrix} 1 \\ 0 \end{pmatrix} \delta(t-x) + \begin{pmatrix} \psi_1(t, x) \\ \psi_2(t, x) \end{pmatrix}, \quad (2.2.15)$$

$$\Phi(t, x) = \psi_3(t, x), \quad (2.2.16)$$

бу ерда ψ_i ($i=1, 2, 3$) $t \geq x$ да соҳада узлуксиз, $\text{supp } \psi_i(t, x) \subseteq \{t \geq x\}$; улар $t = x$ узилишга эга бўлиши мумкин.

Айтайлик, $\Psi_1(t, x), \Psi_2(t, x)$ функциялар $x=0$ да ушбу

$$\Psi_1(t, 0) = \alpha \Psi_2(t, 0) + M(t), \quad (2.2.17)$$

муносабат билан боғланган бўлсин,

бу ерда $\alpha = \text{const}$, $M(t)$ - берилган функция ва

$$M(t) = \delta(t) + m(t).$$

(2.2.17) шарт $s_1(t)$ ва $s_2(t)$ функциялар орасида боғланиш мавжудлигини англатади. Бу боғланиш $F(t)$ ва $G(t)$ функциялар орқали қуйидагича ёзилади:

$$\sqrt{\sigma(0)} \dot{G}(t) - \frac{F(t)}{\sqrt{\sigma(0)}} = \alpha \left(\sqrt{\sigma(0)} \dot{G}(t) + \frac{F(t)}{\sqrt{\sigma(0)}} \right) + M(t).$$

(2.2.10), (2.2.11) масаланинг ечимини (2.2.15), (2.2.16) кўринишда излаймиз. Тушунарлики, бу масала ечими $t = x$ характеристика остида нолга тенг:

$$\Psi(t, x) \Big|_{t < x} \equiv 0,$$


$$\Phi(t, x) \Big|_{t < x} \equiv 0.$$

Қулайлик учун t, x эркин ўзгарувчиларни τ, η билан белгилайлик.

(2.2.10) системанинг биринчи тенгламасини

$$\begin{aligned} \frac{\partial \Psi_1}{\partial \tau} + \frac{\partial \Psi_1}{\partial \eta} = & - \frac{\chi(\eta)}{2} \frac{\rho_l^2(\eta)}{\rho_s(\eta)} \Psi_1(\tau, \eta) - \\ & - \left(\frac{\chi(\eta)}{2} \frac{\rho_l^2(\eta)}{\rho_s(\eta)} - q(\eta) \right) \Psi_2(\tau, \eta) + \\ & + \chi(\eta) \sqrt{\sigma(\eta)} \frac{\rho_l^2(\eta)}{\rho_s(\eta)} \Phi(\tau, \eta), \end{aligned}$$

t, x нуқта орқали ўтувчи $\tau - \eta = t - x$, характеристика бўйлаб интеграллаймиз (расм.2.2.1):



Расм. 2.2.1.

$$\Psi_1(t, x) = - \int_{t-x}^t \frac{\chi(\tau - t + x)}{2} \frac{\rho_l^2(\tau - t + x)}{\rho_s(\tau - t + x)} \Psi_1(\tau, \tau - t + x) d\tau -$$

$$- \int_{t-x}^t \left(\frac{\chi(\tau - t + x)}{2} \frac{\rho_l^2(\tau - t + x)}{\rho_s(\tau - t + x)} - q(\tau - t + x) \right) \Psi_2(\tau, \tau - t + x) d\tau + \quad (2.2.18)$$

$$+ \int_{t-x}^t \chi(\tau - t + x) \sqrt{\sigma(\tau - t + x)} \frac{\rho_l^2(\tau - t + x)}{\rho_s(\tau - t + x)} \Phi(\tau, \tau - t + x) d\tau + s_1(t - x),$$

бу ерда $s_1(t - x) = \Psi_1(t - x, 0)$ чегаравий шартлар ва (2.2.17) фаразимизга кўра бир қийматли аниқланган.

(2.2.10) иккинчи тенгламасини

$$\frac{\partial \Psi_2}{\partial \tau} - \frac{\partial \Psi_2}{\partial \eta} = \left(\frac{\chi(\eta) \rho_i^2(\eta)}{2 \rho_s(\eta)} + q(\eta) \right) \Psi_1(\tau, \eta) - \frac{\chi(\eta) \rho_i^2(\eta)}{\rho_s(\eta)} \Psi_2(\tau, \eta) + \\ + \chi(\eta) \sqrt{\sigma(\eta)} \frac{\rho_i^2(\eta)}{\rho_s(\eta)} \Phi(\tau, \eta),$$

$\tau + \eta = t + x$ характеристика бўйлаб интеграллаймиз (расм.1.4.1):

$$\Psi_2(t, x) = - \int_0^t \left(q(t - \tau + x) + \frac{\chi(t - \tau + x) \rho_i^2(t - \tau + x)}{2 \rho_s(t - \tau + x)} \right) \Psi_1(\tau, t - \tau + x) d\tau - \\ - \int_0^t \frac{\chi(t - \tau + x) \rho_i^2(t - \tau + x)}{2 \rho_s(t - \tau + x)} \Psi_2(\tau, t - \tau + x) d\tau + \\ + \int_0^t \chi(t - \tau + x) \sqrt{\sigma(t - \tau + x)} \frac{\rho_i^2(t - \tau + x)}{\rho_s(t - \tau + x)} \Phi(\tau, t - \tau + x) d\tau. \quad (2.2.19)$$

Бу ерда биз $\Psi_2(0, x) = 0$ шартдан фойдаландик.

(2.2.11) тенгламани 0 дан t гача интеграллаймиз ва (2.2.13) ни ҳисобга олиб топамиз

$$\Phi(t, x) = \frac{\chi(x)}{2\sqrt{\sigma(x)}} \rho_i(x) \int_0^t (\Psi_1(\tau, x) + \Psi_2(\tau, x)) d\tau - \\ - \chi(x) \rho_i(x) \int_0^t \Phi(\tau, x) d\tau \quad (2.2.20)$$

Ушбу

1) $\Psi|_{t < 0} = 0,$

2) Ψ_1 функция $t = x$ да δ -функцияга ўхшаш махсусликка эга.

3) $t > x$ $\Psi_i(t, x) = \psi_i(t, x) (i = 1, 2), \Phi(t, x) = \psi_3(t, x),$

шартларни ҳисобга олиб, (2.2.18)-(2.2.20) дан $t > x$ да қуйидагиларни ҳосил қиламиз

$$\begin{aligned}
\psi_1(t, x) = & -\int_{t-x}^t \frac{\chi(\tau-t+x)}{2} \frac{\rho_l^2(\tau-t+x)}{\rho_s(\tau-t+x)} \psi_1(\tau, \tau-t+x) d\tau - \\
& -\int_{t-x}^t \left(\frac{\chi(\tau-t+x)}{2} \frac{\rho_l^2(\tau-t+x)}{\rho_s(\tau-t+x)} - q(\tau-t+x) \right) \psi_2(\tau, \tau-t+x) d\tau + \\
& + \int_{t-x}^t \chi(\tau-t+x) \sqrt{\sigma(\tau-t+x)} \frac{\rho_l^2(\tau-t+x)}{\rho_s(\tau-t+x)} \times \\
& \times \psi_3(\tau, \tau-t+x) d\tau + \psi_1(t-x, 0)
\end{aligned} \tag{2.2.21}$$

$$\begin{aligned}
\psi_2(t, x) = & -\int_{(t+x)/2}^t \left(q(t-\tau+x) + \frac{\chi(t-\tau+x)}{2} \frac{\rho_l^2(t-\tau+x)}{\rho_s(t-\tau+x)} \right) \times \\
& \times \psi_1(\tau, t-\tau+x) d\tau - \int_{(t+x)/2}^t \frac{\chi(t-\tau+x)}{2} \frac{\rho_l^2(t-\tau+x)}{\rho_s(t-\tau+x)} \times \\
& \times \psi_2(\tau, t-\tau+x) d\tau + \int_{(t+x)/2}^t \chi(\tau-t+x) \sqrt{\sigma(\tau-t+x)} \frac{\rho_l^2(\tau-t+x)}{\rho_s(\tau-t+x)} \times \\
& \times \psi_3(\tau, \tau-t+x) d\tau + \frac{1}{2} q\left(\frac{t+x}{2}\right) - \frac{\chi\left(\frac{t+x}{2}\right)}{4} \frac{\rho_l^2\left(\frac{t+x}{2}\right)}{\rho_s\left(\frac{t+x}{2}\right)}.
\end{aligned} \tag{2.2.22}$$

$$\begin{aligned}
\psi_3(t, x) = & \frac{\chi(x)}{2\sqrt{\sigma(x)}} \rho_l(x) \int_0^t (\psi_1(\tau, x) + \psi_2(\tau, x)) d\tau - \\
& - \chi(x) \rho_l(x) \int_0^t \psi_3(\tau, x) d\tau
\end{aligned} \tag{2.2.23}$$

(2.2.21) даги $\psi_1(t-x, 0)$ ўрнига (2.2.17) чегаравий шартдан топилган қийматини қўйиб, (2.2.22) га кўра топамиз:

$$\psi_1(t, x) = -\int_{t-x}^t \frac{\chi(\tau-t+x)}{2} \frac{\rho_l^2(\tau-t+x)}{\rho_s(\tau-t+x)} \psi_1(\tau, \tau-t+x) d\tau -$$

$$\begin{aligned}
& - \int_{t-x}^t \left(\frac{\chi(\tau-t+x)}{2} \frac{\rho_l^2(\tau-t+x)}{\rho_s(\tau-t+x)} - q(\tau-t+x) \right) \psi_2(\tau, \tau-t+x) d\tau + \\
& + \int_{t-x}^t \chi(\tau-t+x) \sqrt{\sigma(\tau-t+x)} \frac{\rho_l^2(\tau-t+x)}{\rho_s(\tau-t+x)} \psi_3(\tau, \tau-t+x) d\tau - \\
& - \alpha \int_{(t-x)/2}^{t-x} \left(q(t-\tau-x) + \frac{\chi(t-\tau-x)}{2} \frac{\rho_l^2(t-\tau-x)}{\rho_s(t-\tau-x)} \right) \psi_1(\tau, t-\tau-x) d\tau - \\
& - \alpha \int_{(t-x)/2}^{t-x} \frac{\chi(t-\tau-x)}{2} \frac{\rho_l^2(t-\tau-x)}{\rho_s(t-\tau-x)} \psi_2(\tau, t-\tau-x) d\tau + \\
& + \alpha \int_{(t-x)/2}^{t-x} \chi(t-\tau-x) \sqrt{\sigma(t-\tau-x)} \frac{\rho_l^2(t-\tau-x)}{\rho_s(t-\tau-x)} \psi_3(\tau, t-\tau-x) d\tau + \\
& + \frac{\alpha}{2} q\left(\frac{t-x}{2}\right) - \alpha \frac{\chi\left(\frac{t-x}{2}\right) \rho_l^2\left(\frac{t-x}{2}\right)}{4 \rho_s\left(\frac{t-x}{2}\right)} + m(t-x). \tag{2.2.24}
\end{aligned}$$

Таъриф. (2.2.10), (2.2.11) системанинг ноли бошланғич ва чегаравий (2.2.17) шартли ечими деб (2.2.15) кўринишдаги t нинг шундай $\psi_1(t, x), \psi_2(t, x), \psi_3(t, x)$ умумлашган функцияларига айтиладики, улар $t \geq x$ да (2.2.22)-(2.2.24) интеграл тенгламалар системасини қаноатлантиради.

(2.2.22)-(2.2.24) муносабатлар $q, m, \rho_l, \rho_s, \chi$ ва α маълум бўлганда $\psi_j, (j=1,2,3)$ ларга нисбатан чизиқли иккинчи тур Вольтерра интеграл тенгламалар системасини ташкил этади.

Маълумки [25], бундай система локал(кичик соҳада) ягона ечимга эга. Ечим (t, x) нинг узлуксиз функцияларидан иборат бўлади.

2.3. Гиперболик система ечимининг сингулярлиги

Етарлича силлиқ $\sigma(x), m(t), \chi(t), \rho_1(x), \rho_s(x)$ функциялар учун (2.2.10), (2.2.11) системанинг (2.2.17) чегаравий шартни каноатлантирувчи ечими куйидаги кўринишга эга.

$$\Psi(t, x) = \begin{pmatrix} a(x) \\ 0 \end{pmatrix} \delta(t-x) + \begin{pmatrix} b_1(x) \\ b_2(x) \end{pmatrix} \varepsilon(t-x) + \begin{pmatrix} c_1(x) \\ c_2(x) \end{pmatrix} (t-x)_+ + \dots, \quad (2.3.1)$$

$$\Phi(t, x) = d_1(x) \varepsilon(t-x) + d_2(x) (t-x)_+ + \dots, \quad (2.3.2)$$

(2.3.1) ва (2.3.2) формулаларида уч нукта билан $t = \tau(z)$, да ёзилган хадларга караганда силлиқроқ функциялар белгиланган. Аввалгидек

$$x_+^n = \begin{cases} x^n, & x > 0, \\ 0, & x \leq 0. \end{cases}$$

$a(x), b_1(x), b_2(x), c_1(x), c_2(x), d_1(x), d_2(x)$ коэффициентларни топайлик.

Бунинг учун (2.3.1), (2.3.2) ёйилмаларни (2.2.10), (2.2.11) тенгламаларга кўямиз ва бир хил сингулярлик олдидаги коэффициентларни тенглаштирамиз.

Бунда ушбу

$$\left(\frac{\partial}{\partial t} + \frac{\partial}{\partial x} \right) k(t-x) = 0, \quad (k - \text{ихтиёрий функция})$$

$$\left(\frac{\partial}{\partial t} - \frac{\partial}{\partial x} \right) \varepsilon(t-x) = 2\delta(t-x),$$

$$\left(\frac{\partial}{\partial t} - \frac{\partial}{\partial x}\right)(t-x)_+ = 2\varepsilon(t-x).$$

муносабатларни ҳисобга олиб, қуйидагиларни топамиз:

